



«ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатларaro зиддиятларнинг кучайиши, кескинлигининг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — аини мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамадан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминидан тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочоқ бўлиб кун кечириётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва сарф-харакатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Афғонистон заминидagi уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ «Кўшнинг тинч — сен тинч», деган азалий халқ ҳикматиға амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани бар-

чамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можа-росини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди;

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувиға чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардормиз.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош котибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди;

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва

мустаҳкамлаш йўлида гоёта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чоратадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисо-ласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқishi, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатларaro низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.

Президент Ислom Каримов афғон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Аини шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эъти-роф этмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббускор бўлиши, фаоллик ва талабчанлик билан ишлаши зарур.

ЎзХДП ислохотларнинг ижтимоий самарадорлиги учун курашади



Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўшиш

партия фаоллари, депутатларнинг муҳим вазифасидир

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида Хоразм вилоятининг ўзига хос ўрни бор. Вилоятнинг иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб бораёпти. Жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот 9,7, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1, қурилиш ишлари ҳажми 13,1 фоиз ўсди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 ноябрдаги 2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарорига асосан йилнинг биринчи ярим йиллигида 776 лойиҳа амалга оширилди. Бугун вилоятда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси-

ни таъминлаш мақсадида барча манбалар ҳисобидан 271,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Бу натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Иқтисодиёт юксалишида вилоят ахлининг фидокорона меҳнати муҳим омили бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

Ижтимоий ҳимоя

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Мустақил она юртимизга муносиб фарзанд бўлайлик!» шиори остида вояга етмаганлар учун тарбиявий ва маънавий соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Вояга етмаган болалар тарбияси

жиддий эътибор талаб этади

Учтепа туманидаги «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган тўрт кунлик тадбир Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури асосида амалга оширилди.

Дастлаб ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи болалардан 115 нафари ҳамда мактаб ва лицейларнинг 115 нафара ўқувчиси танланди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби Ўткир Маҳкамов.

Яъни, ҳар бир вояга етмаган болага ўзининг тенгдоши бўлган аълочи ўқувчи бириктирилди. Бундан кўзланган мақсад тарбияси оғир болаларни ижобий томонга ўзгартириш эди. Иштирокчилар билан 7 та гуруҳда иш олиб борилди. Ҳар бир гуруҳда тажрибали мутахассислар ҳамкор ташкилотлар билан бирга турли лойиҳа ва мавзулар доирасида қизиқарли тадбирлар, маҳорат дарслари, спорт мусобақалари ўтказилди.

(Давоми 3-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 31 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисини шу йил 22-23 август кунлари Тошкент шаҳрида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва

ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислох қилиш ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқа-

ролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Одамнинг имунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Мувофиқлини баҳолаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласи-

дан бўлиб, улар тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни кучайтиришни назарда тутди.

Шу билан бир қаторда, навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ҳамда экологик хавфсизлиқни таъминлаш, ат-

роф-муҳитни ва одамларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга доир масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва Девонининг ўн иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

«ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз «тинчликсез-вар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди», деб аниқ-равшан баён қилинган. «Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуроли можа-роларга ва кескинлик ўчоқла-рига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шу-нингдек, ўз ҳудудда хорижий давлатларнинг ҳарбий базала-ри ва объектлари жойлашти-рилишига йўл қўймайди», дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концеп-цияга асосланган ҳолда бил-дирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Ўзбе-кистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Аф-ғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блоклар-да қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкор-лигимизни фақатгина икки то-монлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукумати-ни қўллаб-қувватлаш сиёсати-ни ўзига маъқул топади».

Бундай қатъий, шу билан бирга, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга су-риш учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлиш Ўзбе-кистонда барча асослар бор. Авваломбор, бу Афғонистон билан узоқ тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўш-ничилик, ўзаро ҳурматга асо-сланган алоқаларимиз, мамла-катимизнинг Марказий Осиё-да тутган алоҳида ўрни ва мин-такамизда тинчлик ва барқа-дорликни таъминлашга қара-тилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этил-ган мустақам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.

Айнан мана шу омиллар са-баб, «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисола-сида минтақамиз ва унинг атро-фида рўй бераётган кескин ўз-гаришлар таҳлили, Афғонис-тондаги вазият ва афғон му-аммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва тақлифлар бутун нафақат мам-лакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар то-монидан кенг қўллаб-қувват-ланмоқда ва баҳс-мунозара-ларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳ-барининг фикрларига бево-сита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатилмоқда. Президентимизнинг интер-вьюси ушбу давлатнинг етак-чи оммавий ахборот воситала-рида инглиз, дари ва ўзбек тил-ларида нашр этилди. Жумла-дан, Афғонистоннинг етакчи «Daily Outlook Afghanistan» га-зетаси, «Сахро» ижтимоий-сиё-сий журналининг интервьюнинг тўла матнини «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислон Каримов интервью-си Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг «Balo-chistan today» ва «Ittihad» га-зеталарида, Эроннинг «Iran

News» газетасида ва Хитой-нинг «Lookwe» журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўл-миш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳам-да мусулмон дунёсида ўз мав-қеига эга бўлган Саудия Ара-бистони, Кувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситалари-да эълон қилинган мақолалар-да Ўзбекистоннинг Афғонис-тонда тинчлик ва барқарорлик-нинг ишончли тарафдори экан-и ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракат кўрсатаётганлиги ало-ҳида ургуланмоқда. Энг муҳи-ми, барча нашрлар Ўзбеки-стоннинг принципиал позиция-си — Афғонистондаги низони бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўла-лигича қўллаб-қувватлаган ҳол-да, мазкур муаммонинг ечими-га ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокара-лар столи атрофига тўшлаш ва улар-ни муроСага олиб келиш орқа-ли эришиш мумкинлигини эъти-роф этишмоқда.

Интервьюда Президент Ислон Каримов томонидан Афғонис-тон борасида билдирилган фикр ва тақлифлар жаҳоннинг етак-чи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қиз-гин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, АҚШнинг Жон Хопкинс университети қоши-даги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг таъкидлашича, Президент Ислон Каримов Афғонистондаги вазиятни «ўта оғир ва нозик» дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. Бугунги кунда афғон муаммосини ҳар-бий йўл билан ҳал этиб бўл-маслигини реал фикрлай ола-диган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.

Нью-Йорк давлат универси-тети профессори П.Морвиж Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб ке-тилиши бу мамлакатдаги ва-зиятни тангликка олиб кели-ши мумкинлигини қайд эт-ган ҳолда, Президент Ислон Каримовнинг бу борадаги сўз-ларини ўз халқининг тинчли-ги ва осойишталигини таъмин-лаш ҳақида қайғурадиган чи-накам давлат раҳбарининг ҳа-ракатидир, деб изоҳлайди. Ма-на шу сабаб, Ислон Каримов Афғонистондаги асосий куч-ларни ўзаро қарама-қарши-ликларни музокара-лар столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқ-нашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқали-шининг олдини олишга ча-қирмоқда, дейди П.Морвиж.

АҚШнинг Карнеги фонди экс-пэрти М.Олкотт Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларида қў-шилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатла-рини фақатгина икки томон-лама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсевар-лик ва яхши қўшничилик принциплари асосида кури-шини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўз-бекистонда ишлаб чиқарилаёт-

ган электр энергиясининг Аф-ғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига ул-кан ҳисса қўшаётганини таъ-кидлайди. Икки давлатни боғ-лаб турувчи темир йўл ҳамда тезюрар автомобиль йўлари-нинг барпо этилиши Афғонис-тон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётган-ига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, «Ўзбекистон, шуб-ҳасиз, бундан кейин ҳам ўзи-нинг икки томонлама муно-сабатлари доирасида Афғо-нистонни иқтисодий ва ижти-моий тиклаш жараёнида му-ҳим роль ўйнайди», дея ишонч билдиради.

Британия — Ўзбекистон жа-мияти раиси лорд Ф.Понсонби Ўзбекистон раҳбарияти Афғо-нистондаги ҳазирги вазиятни чуқур англаши ва уни кела-жакдаги ривож бора-сида қай-ғураётганини таъкидлаган ҳол-да, Ислон Каримов томони-дан илгари сурилган БМТ ша-фелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиё-сатчининг фикрича, Афғо-нистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Сак-сенанинг қайд этишича, Пре-зидент Ислон Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисоблан-миш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун ба-тамом янгича концептуал ён-дашувни тақлиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантиқ-қа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборини афғон хал-қи ва жамиятини жипслашти-ришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваломбор, афғон халқининг иродасига та-яниш лозимлигини таъкидла-ди. Айнан мана шундай ижо-бий ёндашувгина Афғонис-тонда неча ўн йиллардан буён давом этаётган зўравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С.Саксенанинг сўзларига кўра, «Афғонистон, ўз назо-рати ва гегемонисини ўтқа-зишга ҳаракат қилаётган бош-қа давлатлардан фарқли ўла-роқ, Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка қоралаётган ишонч-ли қўшниси борлигидан фахр-ланса арзийди».

«Менга Ислон Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунда билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар даҳшатли қирғин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни ас-раш дунёдаги ҳар бир инсон-нинг бурчи эканини куюниб айтган сўзлари ниҳоятда қат-тиқ таъсир қилди, — дейди германиялик эксперт Ф.Лемке.

— Ўзбекистоннинг тинчлик-севар ташқи сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олиш-га интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинла-рида иштирок этмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдир-ди».

Ф.Лемкеннинг фикрича, Ўзбе-

кистон Президентининг «тинч-ликсиз ривожланиш бўлмади, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмади» деган сўзла-рини ҳеч ким инкор эта ол-майди. Шундай экан, Ислон Каримовнинг ўз халқига, қўш-ни халқлар ва жаҳондаги бар-ча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги қақирғи эзгулик ва ривож-ланишга қаратилган тақлиф-ларни қўллаб-қувватлаш на-қадар муҳим эканлигини, ҳар-бий йўл билан ҳеч қандай му-аммони ечиб бўлмаслигини англайди.

«Президент Ислон Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсати-нинг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишон-лаш арафасида яна бир бор очик ва равшан баён этди», — дейди Францияда жойлаш-ган Европа келажаги ва хавф-сизлигини тақдир қилиш ин-ститути раҳбари Э.Дюпои. Му-тахассиснинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иш-тирок этмаслик принципи қо-нуний асосга эга. Тошкент-нинг бундай стратегияси Аф-ғонистон билан икки томон-лама ҳамкорлигини янада ри-вожлантиришга ёрдам бера-ди, дея ишонч билдиради Э.Дюпои.

Францияда чиқадиган «Les milieux des empires» таҳлилий журналининг бош муҳаррири С.д'Изарнинг таъкидлашича, Ислон Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият бора-сида билдираётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбе-кистоннинг ушбу давлат би-лан яхши қўшничилик ало-қаларига таянадиган қатъият-ли позициясини кўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистон-дан олиб чиқилиши вазиятни янада кескинлаштириб юбо-риши мумкинлигини инобат-га олган ҳолда, С.д'Изар уш-бу муддатга қадар Президент Ислон Каримовнинг умумиф-тон сиёсий музокара-ларини бошлаш ва зарурий келишув-ларга эришиш кераклиги ҳақи-даги фикр ва тақлифлари жа-ҳон ҳамжамияти томонидан сўз-сиз қўллаб-қувватланиши ло-зим, деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доми-ник Тильманс «Жаҳон» ахбо-рот агентлиги мухбирига бер-ган интервьюсида шундай де-ди: «Мен Ўзбекистон Прези-дентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мус-таҳкамлашга қаратилган ин-тилишлари билан мутлақо ҳамфикрман. Албатта, минта-қадаги вазият олдий эмас. Бу борада Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик по-зицияси мутлақо тўғри ва дол-зарбдир».

«Биз Ислон Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунда Ўз-бекистон Афғонистонга нис-батан икки халқнинг туб ман-фаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, де-ган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз», дея таъкид-лайди Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси ҳазурида-ги Россия, Шарқий Европа ва

Марказий Осиёни тақдир этиш институти ходими Су Чан.

Мутахассиснинг фикрига кў-ра, Хитой ва Ўзбекистон Аф-ғонистоннинг қўшниси си-фатида ушбу мамлакатдан ко-алицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага кели-ши мумкин бўлган салбий ва-зият борасида жиддий таш-вишланмоқда. «Биз Афғонис-тон муаммоси фақат афғон хал-қи томонидан ҳал этилиши, ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакат-даги аҳволни янада оғирлаш-тириши ва минтақавий хавф-сизликка салбий таъсир кўр-сатиши мумкин, деб ҳисоб-лаймиз. Шу билан бирга, Аф-ғонистонга кўрсатилаётган иқ-тисодий ва гуманитар ёрдам-ни янада кучайтириш зарур», — дейди Су Чан.

Япониянинг Шарқий Осиё тақдиротлари институти ди-ректору У.Магосанининг фик-рича, Ўзбекистоннинг минта-қавий хавфсизликни таъмин-лаш, халқаро терроризм, экс-тремизм ва гиёҳванд мол-даларнинг ноқонуний айла-нувида қарши кураш сиёса-ти Марказий Осиёнинг бар-қарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қи-лмоқда.

«Ҳақиқатан ҳам, Афғонис-тондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши мил-латлараро можа-роларнинг куч-айишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу са-бабдан, Афғонистондаги мав-жуд муаммоларни муваққат ҳу-кумат тузиш ва сайловлар ўт-казиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вази-фа ҳисобланади. Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йў-лида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида ум-вий келишувга эришишдир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бў-ғин сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакат-лар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузи-лиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шаклланти-риш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшаши учун қулай шароитлар яра-тишга имконият туғдиради», деб ҳисоблайди У.Магосаки.

Япониянинг Ниагата универ-ситети профессори Шигеки Хакамаданинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудуди ташқи куч-ларнинг «катта геосиёсий ўйи-ни» майдони бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги ва-зиятдан фойдаланиб ўз таъ-сир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтириш-га ҳаракат қилишмоқда. Эъти-борлиси шундаки, Афғонис-тондаги вазиятнинг ўта но-зиқлиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибат-ларга олиб келишига қарамас-дан, ҳанузгача жаҳон ҳамжа-мияти ва расмий Кобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади, дея фикр билдиради япониялик мутахассис.

Малайзиянинг собиқ Таш-қи ишлар вазири ўринбосари, «Геракан» партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Мар-казий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш бо-

расидаги олиб бораётган сиё-сати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшниси си-фатида Ўзбекистон бошқа дав-латларга нисбатан ушбу мам-лакатда рўй бераётган мурак-каб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади. Шу-нинг учун ҳам, Президент Ислон Каримов жаҳон ҳам-жамияти эътиборини Афғо-нистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишув-га эришиш зарурлигини ва унинг асносида барча этник ва диний гуруҳлар манфаати-ни ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқ-да. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўр-натиш мумкин, дея таъкидла-йди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир экс-пэрт, «Vinay» университети профессори Зулиқли Ҳожи Сентери: «Афғонистонда тинч-лик ва барқарорлик ўрнати-лиши Ўзбекистон ва Марка-зий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратди. Бу эса ушбу минтақаларда жойлаш-ган мамлакатлар ўртасида сав-до-иқтисодий ва инвестици-он алоқаларни янада ривож-лантиришга катта туртки бе-ради. Шуларни инобатга ол-ган ҳолда, АСЕАН ташкило-тига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан го-ят манфаатдор», дея таъкид-лайди.

Латвияда жойлашган Болтиқ халқаро академияси профес-сори И.Степенконинг сўзла-рига кўра, Ислон Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек хал-қининг осойишталиги ва ман-фаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, бал-ки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлиги-ни таъминлашга катта ҳисса қўшади. «Ишончим комилки, Ибн Сино, Улугбек, Беруний ва Навоий каби буюк аллома-ларнинг фалсафаси ва дунё-қарашларини ўзида мужассам этган ўзбек халқи ўз ажод-ларининг меросини давом эт-тирган ҳолда, халқлар ва дав-латлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, до-нишмандлик, одамийлик ва баррикенгликни тарғиб этади», — дейди И.Степенко.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислон Каримов-нинг жорий йилнинг 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан берган ин-тервьюсига хорижий мамла-катларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира ва-киллари томонидан билдири-лаётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистон-да тинчлик ўрнатиш, Марка-зий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган по-зицияси жаҳон ҳамжамияти то-монидан кенг қўллаб-қувват-ланаётганининг яққол дали-лидир.

«Жаҳон» ахборот агентлиги

ЎзХДП ислохотларнинг ижтимоий самарадорлиги учун курашади


Ижтимоий-иқтисодий тараққиётта муносиб ҳисса қўшиш

партия фаоллари, депутатларнинг муҳим вазифасидир

ЎзХДП дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, электротат манфаатига бевосита алоқадор хайрли ишларни қўллаб-қувватлайди ва бу борадаги вазифалар ижросида фаол иштирок этади. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшиш партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг долзарб вазифаси ҳисобланади. Чунки шу орқали электротат манфаати таъминланади, халқимиз ҳаёти фаровонлашади.

Халқ депутатлари Хоразм вилояти, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 2012 йилда маҳаллий Кенгашлар сессияларида электротат манфаати билан боғлиқ 12 та масала муҳокама этилди. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосида 4 та масала сессия кўп тартибига киритилди. 1 та масала доимий комиссия йиғилишида қўриб чиқилди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи томонидан вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари муҳокамасига 2013 йилнинг ўтган даври мобайлида 3 та масала киритилиб, шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Хоразм вилоятида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 30 минг нафардан ортиқ аъзоси бор. Улар 718 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Партия аъзоларининг 12 мингдан зиёди аёллар, 6 минг нафардан ортиғи 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Ҳозирги кунда халқ депутатлари вилоят Кенгашида 14 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 110 нафар ЎзХДП вакили бўлган депутат фаолият юритмоқда.

Бу масалаларнинг барчаси вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бевосита боғлиқ.

Электротатни ўйлантараётган масалаларни атрофлича ўрганиш, муҳим ижтимоий масалаларни сессияларга олиб чиқишда, ҳаётини тақлиф

ва ташаббуслар кўпайишида ЎзХДП Жамоатчилиги қабулхоналари фаолияти тизимли ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этаётганини, ўзига хос механизм вазифасини бажараётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари Жамоатчилиги

қабулхоналарида 200 га яқин мурожаат бўлди. Уларнинг аксарияти ижтимоий масалаларни қамраб олган. Шу вақтга қадар мурожаатларда кўтарилган 150га яқин масала ижобий ҳал этилди.

Вилоят партия ташкилоти сўнгги пайтда кўча Жамоатчилиги қабулхоналари фаолиятини тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Фуқароларни бевосита вилоят партия кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари, халқ

Раимберган Сабуровнинг таъкидлашича, 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури асосида саноат, сервис, хизмат кўрсатиш ҳамда озиқ-овқат ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар партиянинг Сайловолди дастури, 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси билан узвий боғлиқ. Бу вилоятдаги барча даражадаги партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Партияимиз дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича ташаббуслар кўрсатиш, амалий натижаларга эришиш орқали вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳоли фаровонлигига, турмуш ободлигига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Ҳаёт олдимизга қўйилган муҳим вазифалар ҳаммамиздан, хусусан, сиёсий партия ташкилотлари, депутатлардан янгича фикрлаб, янгича ишлашни тақозо этаётган. Шунинг учун халқ фаровонлигига, жамият тараққиётини кўзда тутишда сиёсий партия вакиллари сифатида вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини, аҳоли ҳаёт даражасини янада юксалтиришга қаратилган эзгу ишларда фаол иштирок этишни бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя



Вояга етмаган болалар тарбияси

жиддий эътибор талаб этади

— 1-гуруҳ қизлари билан уч кун давомида турли машғулотлар, уйинлар ўтказдик, — дейди Яккасарой туманидаги 135-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, психолог Мукамбар Орипова. — Бу йил янги механизм қўллаб, ҳар бир боланинг психологик ривожланиш хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратдик. Махсус сўровнома асосида болаларнинг нимага қизиқиши, тафаккури, келажақда қандай касбни эгаллаш ниятида экани, бу борада интилиши аниқланди. Тренинглар давомида айрим болаларда ўзига нисбатан ишонч пастлиги ҳам кузатилди. Бунга кўп ҳолларда ота-оналарнинг эътиборсизлиги сабаб бўлди. Тегишли машғулотлар давомида улар руҳиятида ижобий ўзгаришлар сезилди.

Тадбирлар якунида мониторинг ташкил қилиниб, унинг натижалари ҳар кун кечки умумий йиғилишларда муҳокама қилиб борилди. Шунингдек, психологлар томонидан ҳар бир иштирокчининг психологик портрети ишлаб чиқилди. Энди бу ўсириллар билан ишлаш ана шу таҳлиллар асосида давом эттирилади.

Басандобону ЖАЛИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП депутатлари ташаббуси билан

Ҳоким ўринбосари ҳисобот берди

ЎзХДП Бухоро вилояти Қорақўл туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Файзулла Бебутов деярли ҳар кунни Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатлар билан танишади.

Туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари электротат манфаати билан боғлиқ ижтимоий масалаларда туманда амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳоким ўринбосари ҳисоботини эшитиш, шу асосда амалий тақлифлар ишлаб чиқиш лозим, деган фикрга келди.

Яқинда ЎзХДП депутатлик гуруҳи йиғилишида туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Баҳодир Жумаевнинг йўл қўрилиши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, саноатни маҳаллийлаштириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш масалалари бўйича ҳисоботи тинглангди. Йиғилишда нафақат халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, партия кенгаши фаоллари, балки мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислари ҳам иштирок этди.

Ҳоким ўринбосарининг қайди эйтишича, Қорақўл туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонасига қарашли 374 км автомобиль йўлининг 31 километрини халқаро, 128 километрини давлат, 215 километрини маҳаллий аҳамиятта эга йўллар ташкил қилади.

Туман ҳудудида йўлларни таъмирлаш, янги йўллар қўриш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жорий йилда 12,98 километр ички ҳўжалик автомобиль йўлини қўриш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 9,47 км қисми тугалланиб, фойдаланишга топширилди. Қорақўл

(Давоми. Боши 1-бетда.)

шаҳри — Темир йўл вокзали — Янгйбозор — Ямолхон насос станцияси автомобиль йўлининг лойиҳа-смета ҳўжатлари тайёрланмоқда. Яқинда бу йўлда қўрилиш монтаж ишлари бошланади.

Ҳоким ўринбосари таъкидлашича, яқинда 495 километр ички ҳўжаликлараро йўллар тўлиқ хатловдан ўтказилган ва 2014-2016 йилларга мўлжалланган тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритиш орқали қайта таъмирланиши режалаштирилган.

— Равон йўллар нафақат ҳудуд, балки мамлакат тараққиётини белгилловчи муҳим восита ҳисобланади, — дейди **ЎзХДП Қорақўл туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Файзулла Бебутов.** — Шу боис мамлакатимизда йўл қўрилиши, коммуникация соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу эса Обод турмуш йили билан ҳаммадан тараққий қилган ва туманларимиз, маҳаллаларимиз обод бўлишига хизмат қилади. ЎзХДП Сайловолди дастурида уй-жой ҳўжалиги, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш масаласига алоҳида эътибор берилганини инобатга олсак, масаланинг партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари учун ҳам нақадар муҳим экани ойдинлашади. Шундан келиб чиқиб, биз бу борада назорат-таҳлил ишларини янада тизимли олиб боришни режалаштирдик.

Чунки бугун тумандаги катта айланма йўл ва ҳўжаликлараро

йўлларнинг айрим жойлари ҳолати аҳолининг норозилигини келтириб чиқарапти. Шунинг учун депутатлик гуруҳимиз йўлларни таъмирлаш ва янги йўллар қўришга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш корхонаси молиявий аҳолини яхшилаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш лозим, деб ҳисоблайди.

Йиғилишда, шунингдек, олус қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга янада яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади, бу борада қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Қайд этилишича, жорий йилда «Сайёт-Солур» сув тозалаш иншооти қўрилиши режалаштирилган. Бунинг учун 1,047 миллион сўм маблағ ажратилган. Ушбу иншоотни ишга тушириш билан туманнинг Сайёт, Шўробод, Кулончи, Қораул қишлоқларида яшовчи қарийб 13 минг хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланади. Ҳоким ўринбосари объектни 2014 йилда фойдаланишга топшириш учун барча чора-тадбирлар белгиланганини алоҳида таъкидлади.

Туманда аҳолини тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Уни амалга ошириш учун 113 миллион доллар, шундан 85 миллион доллар халқаро молия муассасалари грандлари асосида

маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Баҳодир Жумаев ўз ҳисоботида 2014-2015 йилларда жами 1078,1 километр ичимлик суви қувурларини тортиш, шу орқали 24 та ҳудудда ичимлик суви таъминотини яхшилаш, «Сувқоқа» корхонасининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилганини қайд этди.

— Партияимиз Дастурида қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Худойёр Жўраев.** — Шу боис депутатлик гуруҳимиз ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан тизимли назорат ўрнатиш талаб этилади.

Йиғилишда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирildi.

Депутатлар туман ҳокими ўринбосари ҳисоботи асосида йўл қўрилиши, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишларини яхшилаш, шунингдек, саноатни маҳаллийлаштириш, шу соҳада янги иш ўринлари яратиш, ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш масалаларини атрофича таҳлил этишди. Шу асосда депутатлик гуруҳи қарор қабул қилди. Унга кўра, туманда ички йўлларни таъмирлаш чораларини кўриш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаларини белгиланган муддатларда амалга ошириш, «Сайёт-Солур» сув тозалаш иншооти қўрилишини ўз вақтида тугаллаш, саноатни маҳаллийлаштириш соҳасида барқарор иш ўринлари яратилиши масалалари юзасидан депутатлик назоратини қўйиш, бу борадаги муаммоларни маҳаллий вакиллик ҳокимияти муҳокамасига киритиб бориш вазифалари белгиланди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Ёш авлод тақдирига бефарқ қарашга

ҳаққимиз йўқ

Таълим, тарбияга эътибор мамлакат келажагини ҳал қиладиган муҳим омилдир. Эртанги кунимиз қандай бўлиши бугун бу соҳада қандай ишлар олиб борилаётгани билан бевосита боғлиқ.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда 9760 дан ортиқ умумтаълим мактаби, 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1406 та касб-хунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қўрилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди, уларнинг моддий-техник, ўқув-методик базаси мустаҳкамланди. Давлат бюджетидан таълим соҳаси учун ажратилган маблағ ҳар йили ортиб бораётган.

Бугун дунё бўйича миллионлаб болалар таълим олиш имкониятига эга бўлмаган бир пайтда мамлакатимизда юз фоиз болалар умумий ўрта таълимга жалб этилади, мактабларни битираётган ёшлар академик лицей, касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олинмоқда.

Буларнинг ҳаммаси ёшлар учун, уларнинг келажаги учун, мамлакатнинг эртанги кунини қилинмоқда.

Мамлакатимиздаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда 1,5 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим олмақда. Улар иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқларида фаолият кўрсата оладиган замонавий кадрлар бўлиб етиштириш керак.

Бунинг учун давлатимиз томонидан етарли шароит яратилиб, қатор чора-тадбирлар амалга оширилаёпти.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими мажбурийлиги, 30-моддасида эса вояга етмаган фарзандларнинг умуммажбурий ўн икки йиллик таълим олиши учун ота-оналар (қонуний вакиллар)нинг жавобгарлиги белгиланган.

Фарзанднинг яхши билим олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишидан биринчи навбатда унинг ўзи ва ота-онаси манфаатдордир. Аммо қонун ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлиллар унинг талаблари ҳар доим ҳам тўлиқ бажарилмаётганини кўрсатмоқда. Республика Бош прокуратураси таҳлилларига қараганда, 2012-2013 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежларида 10 мингдан ортиқ ўқувчи дарс машғулотида сабабсиз қатнашмаган. Бу табиийки, таълим-тарбия сифати, бошқа ўқувчилар руҳиятига салбий таъсир этмасдан қолмайди, албатта. Шунинг учун болаларнинг таълим олишига тўққинлик қилиш ҳоллари бўйича жавобгарлик, масъулиятни кучайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республика Бош прокуратори томонидан болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, бу борада ҳуқуқий механизмни тақомиллаштириш мақсадида тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур қонун лойиҳаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасини тегишли қўшимчалар билан тўлдиришни назарда tutadi. Унга асосан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларининг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига тўққинлик қилса, бу улар



Гулнора ЭРНАЗАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

га энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Мазкур қўшимча Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга янада самарали татбиқ этиш, таълимга оид қонуний талаблар ижросини таъминлаш, энг муҳими, болаларнинг таълим олишга бўлган устувор ҳуқуқини тўла-тўқис амалга оширишга қаратилгани билан аҳамиятли ҳисобланади.

Фракцияимиз қонун лойиҳасини шу нуқтаи назардан муҳокама қилди, партияимиз дастурий мақсадларига ҳар томонлама мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг қабул қилиниши қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаш келгусида улар ўз қизиқишларига мос соҳани танлашда, шу орқали қобилиятини тўлиқ намоён қилишида муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Билимни топиб кетишидан биринчи навбатда унинг ўзи ва ота-онаси манфаатдордир. Аммо қонун ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлиллар унинг талаблари ҳар доим ҳам тўлиқ бажарилмаётганини кўрсатмоқда. Республика Бош прокуратураси таҳлилларига қараганда, 2012-2013 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежларида 10 мингдан ортиқ ўқувчи дарс машғулотида сабабсиз қатнашмаган. Бу табиийки, таълим-тарбия сифати, бошқа ўқувчилар руҳиятига салбий таъсир этмасдан қолмайди, албатта. Шунинг учун болаларнинг таълим олишига тўққинлик қилиш ҳоллари бўйича жавобгарлик, масъулиятни кучайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республика Бош прокуратори томонидан болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, бу борада ҳуқуқий механизмни тақомиллаштириш мақсадида тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур қонун лойиҳаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасини тегишли қўшимчалар билан тўлдиришни назарда tutadi. Унга асосан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларининг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига тўққинлик қилса, бу улар

лимли ёшлар ўз соҳасида ютуқларга эришади, ижтимоий-иқтисодий фаол бўлади, ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлайди. Шу маънода, соҳалар ривожини, мамлакат тараққиётини бугунги ёшларнинг қай даражада билим олиши ва касб-хунарли бўлиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижросини ўрганиш жараёнида пухта билим эгалламаган, касби бўйича етарли кўникмаси бўлмаган айрим коллеж битирувчилари жойлашган иш жойида ишлаб кетишга қийналаётгани маълум бўлди. Табиийки, бундан иш берувчи ҳам, ишга жойлашган ҳам зарар кўради. Бежизга касб-хунар коллежларида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кучли билим беришга эътибор қаратилмайди. Ҳозирги иқтисодиётда замон талабларига жавоб берадиган кадрларни ишлаб кета олади.

Фарзандлари тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир ота-она бунини яхши тушунади, албатта. Фарзандлар билим олиши бўйича ота-оналар жавобгарлиги кучайиши касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш жараёнида юзага келаётган шу билан боғлиқ масалалар ҳам ўз вақтида халқ таълимига ижобий таъсир кўрсатади.

Миллий матбуот марказида



«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»да дунё тароналари янграйди

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида Самарқандда «Шарқ тароналари» IX халқаро фестивали бўлиб ўтади. Кўни кеча ўшбу нуфузли мусиқа форумига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— 2011 йилда «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивали яқунланган, бу йилги IX фестивалга тайёргарликни бошлаганимиз, — дейди фестивал ижрочи директори Тўрааб Махмудов. — Аввало, фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларининг режасини тузиш, қатнашиш истагиди ариза берган гуруҳлар ва яқин хонандаларни саралаш, илмий конференция ўтказиш бора-сида узоқ вақт иш олиб бордик. Хозиргача олти мишга яқин давлатларнинг санъаткорлари фестивалда қатнашиш истагини билдирган. Маълумки, қатнашчиларнинг аксарияти Тошкент орқали Самарқандга боради. Уларни пойтахтимизда қутиб олиб, меҳмонхоналарга жойлаштириш, сўнг Самарқандга олиб бориш ва фестивал яқунланган, Тошкент орқали ўз ватанларига қузатиш ҳам бизнинг зиммасида. Иштирокчилар «Афросиёб» тез-юрак поездида Самарқандга етказилади. Уйлаيمانки, IX фестивал ҳам юксак савияда ўтиши билан ёдимизда қолади.

— Фестивалда бўлаётган ўсиш, жаҳон мусиқа санъатидаги ютуқ ва янгиликларни муҳокама қилишда «Шарқ тароналари» фестивали доирасида ўтказиладиган илмий конференцияларнинг аҳамияти катта, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Оқилхон Ибрагимов. — Дунёнинг кўзга кўринган мусиқашунос олимлари Самарқандда йиғилиб, ана шу масалаларни муҳокама қиладилар. Мавжуд муаммоларни ечишда соҳа мутахассисларининг жипслашуви муҳим аҳамиятга эга. Бу йилги конференция мавзуси «Шарқ мусиқа анъаналари замонавий маданият тизимида» дея номланади. Бу мавзунинг танлалини бежиз эмас, албатта. Хозирги кунда тез сўрватлар билан ўзгариб бораётган давр, оммавий маданият ва глобализация жараёнлари бизнинг

олдимизга асрий аъёнларни сақлаш ва уни келажак авлодга етказиш масаласини қўймоқда. Дунё олимлари илмий конференцияда мана шу масалани чуқур ўрганган ҳолда ўзларининг зарур тавсияларини берадилар деб ўйлайман...

— Дастлабки фестивалларда қатнашиш хоҳишини билдирган барча гуруҳларни тақлиф этганимиз. Хозир эса фестивалга келмоқчи бўлганлар орасидан энг муносибларини танлаб олялмиз. Қўллаб-маълakatлардан уч-тўрттадан, ҳатто олти-еттитагача гуруҳлар қатнашмоқчи бўлиб мурожаат қилмоқда, — деди фестивал директорининг ижодий ишлар бўйича ўринбосари Аида Ибрагимова. — Бундан кўриниб турибдики, «Шарқ тароналари» фестивалига қизиқиш жуда катта.

Шунингдек, ЮНЕСКО миллий комиссиясининг Ўзбекистондаги расиси Алишер Икромов, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходими Ботир Матёкубов, фестивал матбуот маркази раҳбари Сафар Остонов ва бошқалар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Шу кунларда фестивалнинг тантанали очилиш маросимига фольклор ва хореографик ансамбллар қизгин тайёргарлик кўрмоқда, амфитеатрни безаш ва турли концерт дастурларини ташкиллаштириш учун маҳоратли режиссёрлар, балетмейстерлар, санъаткорларнинг миллий кийимларини танлайдиган дизайнер-рассомлар жалб этилган. Регистон майдони ҳар қачонгидан-да гўзаллашиб, байрамона кўриниш олмақда. Санокли кунлардан сўнг бу ерда яна дунё халқларининг миллий мусиқалари янграйди.

Темур АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиға номзодлар

Икки ҳодисанинг бир хил сабаби

Миллатимиз кўёши ҳазрат Навойнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина нега шундай ном билан аталган? Мен шу вақтга қадар уни бўйи построк одам бўлса керак, деб юрар эдим. Балки, бошқалар ҳам шундай ўйлагандир. Лекин унинг отига Кичкина лафзи қўшиб айтилишининг сабаби бошқача экан. Йирик матншунос ва навоийшунос олим Шўхрат Сирожиiddиновнинг «Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типология, текстология тоҳили» монографиясида ёзилишича, Соҳибқироннинг невараси, Умаршайх Мирзонинг ўғли Бойқарони Шохрух Мирзо Қандаҳорга ҳоким этиб тайинлаган. Уша вақтда Навоийнинг бобоси Абу Саъид Чанг Шохрух Мирзо хизматида бўлган. Шохрух Мирзо уни «Амир ул-умаро» унвони билан тақдирлаб, ишончли киши сифатида Бойқаро билан Қандаҳорга жўнатган. Бойқаронинг ҳам, Абу Саъид Чангнинг ҳам Ғиёсиддин исми қорийб тендош фарзандлари бўлган. Буларни фарқлаш учун амирнинг ўғли отига Кичкина сўзини қўшиб айтишган ва бунга одамлар кейинчалик одатланиб кетган.

Шу вақтга қадар Навоий Машҳадда Абулқосим Бобур вафотидан сўнг узоқ йиллар яшаган, Хиротга қайтган, Абу Саъид мирзо уни Самарқандга сургун қилди деган фикр устувор эди. Аммо Ш.Сирожиiddинов бизга Абу Саъид мирзо тахтга ўтириб, Хуросонда нисбатан осойишталик ўрнатилган, Навоий тезда Хиротга қайтгани ва бу ерда эътибор толмагач, яна Машҳадга кетганини илмий далиллар билан исботлаб берди. Муаллифининг фикрича, Навоий Хиротдан эмас, балки Машҳаддан Самарқандга, шахзода Султон Аҳмад мирзога эшик оғаси сифатида унинг номидан ҳукуматни бошқариш учун юборилган Аҳмад Хожибек ёнига кетган. Бундан аён бўладики, Навоий Самарқандда қашшоқлик ва машаққатда яшамаган, аксинча, уни ҳоким моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган.

Бизни қизиқтирадиган масалалардан яна бири бу — Навоий ва Маждиддин Мухаммад муносабати-дир. Мазкур асарда баён қилинишича, 1469 йилдан 1492 йилга қадар бу икки шахс ўртасида соҳуқчилик бўлмаган. Кўнгилсиз воқеалар бундан кейин юз берган эса-да ҳар иккиси ҳам дарҳол муносабатларини яхшилаб олишга ҳаракат қилган. Маждиддиннинг Навоийга ёқмайдиган жиҳати эса унинг сўкинчлиги бўлиб, Навоий юксак лавозимда ўтирган кишидан бундай ишнинг содир бўлишига сира тоқат қила олмаган.

Одатда, катта феодалар кичик ҳодисалар ортидан юз беради. Лекин инсон зоти феодалнинг сабабини ўрганган вақтда негадир ана шу сабаб — кичкина ҳодисага қўй эътибор беравермайди. (Бу ўринда назарда тутганимиз, бир инсоннинг ноҳақ бошидан жудо этилиши, аммо улкан салтанатнинг бар-

лари жангга шай турган Султон Хусайн ва Бадиуззамон мирзо — ота-бола ўртасидаги муносабатни эндигина яхшилашга эришган чоқда Хадичабегим ва Низомулмулк фитнаси юз бериб, барча уринишлари зое кетганидани, ёхуд Султоннинг қатл борасида бемаслаҳат иш юритганидан аччиқланганиданми, ҳар ҳолда Мўмин мирзо ўз невараси, Навоий эса энг яқин дўсти, ҳаммаслаги, фарзандлари ва невараларининг мураббийси эди. Навоий айтган гапда буларнинг барчаси жамулжам ва энг эътиборлиси, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, авлиёлар авлиёсининг қарамати эди бу.

Мухтарам ўқувчига аёнки, Хоразм шоҳи Султон Мухаммад мастликда Маждиддин Бағдодийнинг бошини олишга фармон бериб юборади. Эртасига бу ишдан пушаймон бўлиб, шайх Наҳмиддин Кубродан узоқхил тилаб бир товоқ олтин юборади. Наҳмиддин Кубро совғани қабул қилмайди ва Маждиддин Бағдодийнинг боши минглаб хоразмликлар ва ўзининг ҳам бошини олиб кетишини айтади.

”

Мухтарам ўқувчига аёнки, Хоразм шоҳи Султон Мухаммад мастликда Маждиддин Бағдодийнинг бошини олишга фармон бериб юборади. Эртасига бу ишдан пушаймон бўлиб, шайх Наҳмиддин Кубродан узоқхил тилаб бир товоқ олтин юборади. Наҳмиддин Кубро совғани қабул қилмайди ва Маждиддин Бағдодийнинг боши минглаб хоразмликлар ва ўзининг ҳам бошини олиб кетишини айтади.

Султон Мухаммад онаси Туркон хотун қистови билан Утроғра ҳоким қилиб юборган Иналчук Чингизхондан Султонга совға-саломлар олиб бораётган савдогарларни ўлдирди ва икки ўртада уруш бошланди кетишига сабаб бўлади...

Энди икки воқеанинг ўхшаш жиҳатлари ҳақида. Ҳукмдорларнинг қатл юзасидан фармон чиқарган вақтдаги аҳоли: Мухаммад Султон ҳам, Хусайн Бойқаро ҳам маст эди; Султонларни бу ҳукмга ундовчилар: Туркон хотун ва Хадичабегим; қурбонлар Маждиддин Бағдодий — улғу шайх, Мўмин мирзо — маъсум норасида; қурбонларнинг устозлари: Наҳмиддин Кубро ва Алишер Навоий; лашкар тортганлар: Чингизхон ва Шайбонийхон; мағлубият ёки босқинга йўл қўйилиш са-

баби: ҳар сафар жангда душман кийимини кийиб олиб, уларнинг ўртасида жанг қилишга жасорат этган Султон Мухаммад тўсатдан кўркувга тушади ва барча шаҳарлар ўзини ўзи ҳимоя қилсин, дея фармон беради, Султон Хусайн ҳам худди шундай йўл тутиб, барча те-мурий шаҳзодаларга хат йўллайди-да, уларга ўз мулкида мудофаа чораларини қўришни буюради. Бундан изтиробга тушган Бобур Мирзо «Темурбек ўрнига ўтирган Султон Хусайн мирзодек улғу подшоҳ ганимининг устига юришини демай, ер беркитмоқни, мудофаани деса, эл ва улусда қандай умидворлик қолсин» (Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобуронома. Ваҳоб Раҳмонов ва Каромат Мўллаҳужаева таъдиди. Тошкент, «Ўқитувчи», 2008, 101-бет) деб ёзади; ўртадаги фарқ: воқеалар шиддати, ҳолос.

Бир қарашда Маждиддин Бағдодий ўлимидин сўнг кўп ўтмай мўғуллар Хоразм салтанатини иш-гол қилгани, Бойқаро салтанати эса Мўмин мирзо қатл этилган машъум кундан ўн йил чамаси ўтиб, Султоннинг вафотидан сўнг барҳам тоғгани бу воқеалар ўртасида боғлиқлик йўқдек таассурот уйғотади. Бироқ, модомики, бу ишлар ғайб иши экан, муддатнинг белгиланиши ҳам ғайбдан бўлади-да, бандида не ихтиёр!

Ушбу китобни ўқиш асносида аён ҳақиқатга яна бир бор имон келтирдикки, Яратганнинг севган бандаси, ҳимояга ҳужум бандаси ноҳақ нобуд бўлса, бунинг оқибатида уларнинг умрига зомин бўлган кишиларнинг ўзига жазо олиб қолмасдан, балки, бутун бошли салтанатлар пайҳон бўлиб кетар экан.

Шўхрат Сирожиiddиновнинг мазкур асари Навоий ҳаётига оид энг пухта тадқиқотлардан бири бўлибди. Чунки олим бу асар устида жуда кўп вақт сабр-тоқат билан ишлаган, баъзи ўринларда бир сўзда ишлатилган ҳарфларни аниқлаш мақсадида ўнлаб қўлёзма манбаларни қиёсий ўрганган. Натияжада, шу вақтга қадар биз тўғри деб ҳисоблаб келган ҳодисалар аслида бошқачароқ эканини аниқлашга, бизни асл маълумот билан таъширишга эришган. Китобнинг ҳар бир қисмида ўқувчини ҳайратга соладиган, баҳсга чорлайдиган мавзулар бисёр, биз эса ўшалардан айримларинигина танлаб олибди, ҳолос.

Ҳар бир асарга қадр-қимматидан келиб чиқиб баҳо берилади. Ш.Сирожиiddиновнинг «Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типология, текстология тоҳили» монографияси ўзбек навоийшунослиги, адабиётшунослик фанига қўйилган муҳим ҳиссадир. Бу асар ҳар жиҳатдан Давлат мукофотиға муносиб деб ўйлаймиз.

Дамин ЖУМАҚУЛОВ,
журналист.

Тошкент: кеча ва бугун

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Тошкент: кеча ва бугун» мавзусидаги бадий кўргазма очилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори М.Ҳазратқулов, Ўзбекистон халқ

рассоми Ж.Умарбеков ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида йиғирма икки йил аввал кўлга киритилган истиқлол мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳаёт асосларини барпо этиш, соғлом ва мустақил тафаккурли, баркамол авлодни вояга етказиш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, барча соҳаларда асрларга татигулик ислохотларни амалга ошириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини юксалтиришга кенг йўл очиб берганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига би-



Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси

Иш тажрибаси ва ўз моддий-техник базасига эга бўлган барча қурилиш корхона, ташкилотлари фуқаролик ва мудофаа иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка тақлиф этади.

Ушбу тақлифга истак билдирган корхона ва ташкилотлар танлов савдосидаги қуриладиган бино-иншоотлар қийматиға нисбатан 20% микдоридан кам бўлмаган айланма маблағига эга бўлишлари шарт. Маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали соат

10-00 дан 18-00 га қадар мурожаат қилиш мумкин. Шунингдек, ҳамкорлик қилиш истагида бўлган корхоналар ўз тижорат тақлифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 5-«а» уй, факс: 244-31-39.



кўргазмалар, йирик фестиваллар, санъат байрамлари марказига айлан-ди. Тошкент жаҳондаги ижтимоий барқарор, тинч, экологик жиҳатдан тоза ва покиза шаҳарлардан бири сифатида кенг эътироф этилмоқда. Айни пайтда бу гўзал шаҳар кўпмиллатли халқимизнинг фаҳри ва гурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

«Тошкент: кеча ва бугун» мавзусидаги бадий кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад кам истик-лол йилларидан Тошкентда амалга оши-рилган кенг қўламли бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини фотография, рангтавир асарлари воситасида на-

моийш этиш, ёшлар онгига тинч ва осойишта, саодатли кулларимизнинг, истиқлолнинг қадрига етиш ғояларини чуқур сингдиришдан иборатдир. Кўргазмалар профессионал ва хаваскор мусаввирлар, фотожодкорларнинг уч юздан ортиқ ижодий иши ўрин олган. Уларда Тошкентнинг ке-чаги кўни, бугунги тараққиёти, обод маҳаллалари, муҳташам бинолари, тўқин ва фаровон бозорлари, умрбоқий аънава ва қадриятлари, барка-мол авлод келажиги йўлида кўрсати-лаётган чексиз меҳр ва эътибор акс эттирилган.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihidin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoa-chilik bilan aloqalar va huquqiy tartib — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83.
MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 846
10561
nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22.00
Toshirish vaqt — 01.00
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Asror MO'NIYOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7433
1 2 3 4